БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 9 (5300).

11 Январь, 1984 й.

ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.

Баҳоси 3 тийин.

Кеча Тошкентда ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани ва Давлат бюджети муҳокама этилиб, тегишли қонун ва қарорлар қабул қилинди.

ТОШКЕНТ. 1984 йил, 10 январь. Суратда: Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети тўққизинчи сессияси президиуми. (ЎзТАГ фотоси).

Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлислари тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

10 январь куни Тошкентда ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. Б. Усмонхўжаев**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари **Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойберднев, Н. М. Маҳмудова**, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика ҳукуматининг аъзолари ҳукумат ложаларидан жой оладилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **Э. Ю. Юсупов** раислик қилади.

Сессиянинг қуйидаги кун тартиби бир овоздан тасдиқланади:

1. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг бажарилиши ҳақида.

2. Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1982 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **Қ. А. Аҳмедов** Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг бажарилиши ҳақида доклад қилди.

Ўзбекистон ССР молия министри депутат **И. А. Каримов** Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва республика 1982 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида доклад қилди.

План-бюджет комиссиясининг раиси депутат **И. К. Ҳусниддинов** Ўзбекистон ССР Олий Совети План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялар номидан қўшимча доклад қилди.

Кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар юзасидан музокараларда депутатлардан: **Р. С. Ашуралиев** (288-Олмос сайлов округи), **С. Мўйдинова** (151-Комсомол сайлов округи), **Т. А. Алимов** (79-Телов сайлов округи), **Н. Иброҳимова** (6-Саноат сайлов округи), **М. Ж. Юсупов** (486-Беруний сайлов округи), **Ҳ. А. Шоғазатов** (235-Косон сайлов округи), **Ғ. Н. Насриддинов** (359-Янгиобод сайлов округи), **В. Г. Дурова** (162-Ленин сайлов округи), **Т. С. Сахатов** (240-Паландара сайлов округи), **Т. Бобоназарова** (191-Зарминтов сайлов округи), **Р. Эргашев** (383-Ленин йўли сайлов округи), **И. У. Қўчқоров** (296-Сирдарё сайлов округи), **Т. Бултирова** (280-Халқобод сайлов округи), **Ғ. Н. Машарипов** (465-Янгибозор сайлов округи), **Л. А. Феоктистова** (411-Педагогика сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Шу билан Ўзбекистон ССР Олий Совети сессия кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар юзасидан докладларни муҳокама қилиб бўлди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **Қ. А. Аҳмедов** Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон ССРни 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг бажарилиши ҳақидаги масала юзасидан якунловчи нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССР молия министри депутат **И. А. Каримов** Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва 1982 йилги бюджетнинг ижроси ҳақидаги масала юзасидан якунловчи нутқ сўзлади.

Олий Совет План-бюджет комиссияси ҳамда бошқа доимий комиссияларнинг тузатишларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани тўғрисидаги Қонунни, шунингдек Ўзбекистон ССРни 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг бажарилиши ҳақидаги қарорни бир овоздан қабул қилди.

Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун ва Ўзбекистон ССР 1982 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги қарор бир овоздан қабул қилинади.

Олий Совет Р. Ҳ. Абдуллаева Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари этиб сайланганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Депутат **Р. Ҳ. Абдуллаева** Ўзбекистон ССР Олий Совети Ташқи ишлар доимий комиссиясининг раиси этиб сайланди.

Н. Р. Ражабов Наманган область партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР қурилиш министри вазифасидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

С. М. Маҳмудов пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи вазифасидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул этилади. **Ш. Р. Мирсандов** Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи лавозимига тайинланади.

Шу билан ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун республика социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети КПСС XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь ва декабрь Пленумларининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети X пленумининг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашга доир қарорларида ўртага қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш мақсадида 1984 йилдан бошлаб, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун министрликлар ва идораларнинг, Қорақалпоғистон АССР, областлар, Тошкент шаҳрининг, бирлашмалар ва корхоналарнинг республика социалистик мусобақасини ўтказишга қарор қилдилар.

Энг яхши кўрсаткичларга эришган республика социалистик мусобақасининг ғолибларини мукофотлаш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бешта кўчма Қизил байроғи таъсис этилсин:

Шундан:

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бирлашмалар ва корхоналарни мукофотлаш учун иккита Қизил байроқ ва бу ишга ихтисослаштирилмаган бирлашмалар ҳамда корхоналарни мукофотлаш учун битта Қизил байроқ пул мукофотлари билан;

министрликлар ва идораларни мукофотлаш учун битта Қизил байроқ, Қорақалпоғистон АССРни, областларни ва Тошкент шаҳрини мукофотлаш учун битта Қизил байроқ пул мукофотлари билан;

пул мукофотлари бирлашма ва корхоналарга пландан ортиқча фойда ҳисобидан (пландан ортиқча фойда етишмаган тақдирда, фойданинг эркин қолдиғидан), министрликлар ва идораларга марказлаштирилган моддий рағбатлантириш ва мукофотлаш фондидан, Қорақалпоғистон АССРга, область ижроия комитетларига ва Тошкент шаҳар ижроия комитетига Ўзбекистон ССР республика бюджети ҳисобидан тўлансин.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри, бирлашмалар ва корхоналарнинг республика социалистик мусобақаси шартлари тасдиқланди.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига, касаба союзлари республика комитетлари ва область Советларига, бирлашмалар ва корхоналарга халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, турларини янгилаш ва сифатини яхшилаш учун барча меҳнат коллективларида социалистик мусобақани кенг авж олдириш, ишлаб чиқариш қувватларидан, ишлаб чиқариш чиқитларидан, маҳаллий хом ашё ва материаллардан янада тўлароқ фойдаланишга алоҳида эътибор бериш таклиф қилинди. Социалистик мусобақада юқори натижаларга эришган илғор коллективлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибаси мунтазам равишда умумлаштирилсин ва оммалаштирилсин.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига, республика газеталарининг редакцияларига коллективларнинг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашдаги ютуқларини мунтазам ёритиб туриш топширилди.

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ОШИРИШ, ТУРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ЎТКАЗИЛАДИГАН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ШАРТЛАРИ

Социалистик мусобақада Ўзбекистон ССР министрликлари, идоралари, Қорақалпоғистон АССР, областлар, Тошкент шаҳри, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган бирлашма ва корхоналар қатнашади. Социалистик мусобақа қатнашчиларининг куч-ғайратлари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашнинг, қўшимча резерваларни қидириб топишга, ишлаб чиқариш қувватларидан янада тўла-тўкис фойдаланишга, машина ва ускуналарнинг пландан ортиқча бекор туришини тугатишга, хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергия, меҳнат ва материал ресурсларини тежашга, аҳоли кўплаб талаб қилаётган моллари ишлаб чиқариш учун маҳаллий материаллардан ва ишлаб чиқариш чиқитларидан кенг фойдаланишга қаратилиши керак.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, уларнинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш чиқитларидан ва маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш юзасидан белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни бажаришда энг яхши кўрсаткичларга эришган Қорақалпоғистон АССР, областлар, Тошкент шаҳри, министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар социалистик мусобақа ғолиблари, деб топилади.

Социалистик мусобақага ҳар кварталда якун ясалади. Ҳисобот кварталлари мобайнидаги якунларни чиқариш пайтида йил бошидан бери ўтган даврдаги иш натижалари ҳисобга олинади.

Социалистик мусобақани якунлаш учун материаллар ва ғолибларни кўчма Қизил байроқлар билан мукофотлаш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига:

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри, министрликлар ва идоралар юзасидан Ўзбекистон ССР Госплани ва Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси томонидан;

Иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда идораларининг бирлашмалари ва корхоналари юзасидан — Ўзбекистон ССР министрликлар ва идоралари томонидан касаба союзлари республика комитетлари билан биргаликда;

Иттифоқ қарамоғидаги бирлашмалар ва корхоналар юзасидан — Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети томонидан область касаба союзлари Совети билан биргаликда тақдим этилади.

Материаллар ҳисобот кварталидан кейинги ойнинг 25-кунигача тақдим этилади. Кўрсатилган муддатдан кейин тушган материаллар кўриб чиқилмайди.

Социалистик мусобақани якунлаш учун ҳисобот кварталидаги ва йил бошидан бўёнги маълумотлар план, унинг ҳақиқий бажарилиши, бажарилиш проценти ҳамда ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръатлари кўрсатилиб, қуйидаги маълумотлар юзасидан тақдим этилади:

халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш планининг чакана нархлар ҳисобида бажарилиши;

халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши (минг сўм ҳисобида);

натура ҳолида (энг муҳим турлар бўйича) халқ истемол молларини ишлаб чиқариш;

ишлаб чиқариш чиқитларидан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш;

маҳаллий хом ашё ва материаллардан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш;

иш ҳақи фондининг 1 сўми ҳисобига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш;

меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш (процент ҳисобида);

савдо ташкилотларига халқ истеъмол моллари етказиб бериш планининг бажарилиши (минг сўм ҳажмида);

жами ишлаб чиқариш ҳажмида давлат Сифат белгиси қўйилган халқ истеъмол молларининг салмоғи (процент ҳисобида);

янгилик «Н» индекси қўйилган ва сифати яхшиланган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш (минг сўм ҳисобида);

етказиб берилган халқ истеъмол молларининг сифати хусусида олинган шикоятлар ва ишлаб чиқаришдаги брак миқдори (бу кўрсаткични министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар тақдим этади);

стандартларнинг талабларига риоя қилмай етказиб берилган халқ истеъмол моллари учун тўланган жарима миқдори (бу кўрсаткични министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар тақдим этади);

молларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш планининг бажарилиши тўғрисидаги справка маълумотлари (бу маълумотларни министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар тақдим этади);

Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети, бирлашмалар ва корхоналар социалистик мусобақа якунлари юзасидан берилган пул мукофотларини халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва сифатини яхшилаш юзасидан белгиланган план ҳамда социалистик мажбуриятларни бажаришга энг кўп ҳисса қўшган тегишли ходимларни мукофотлаш учун сарфласинлар.

Бирлашмалар, корхоналарга берилган 2 минг сўмдан ортиқ миқдордаги пул мукофотларининг 70 проценти ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни мукофотлаш учун; 30 проценти спорт асбоб-ускуналари ва анжомлари сотиб олиш, ётоқхоналар, қизил бурчаклар, спорт заллари, майдончалари, дам олиш базалари, болалар боғча ва яслиларига адабиёт сотиб олиш учун, 2 минг сўмгача миқдордаги пул мукофотлари эса фақат ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни мукофотлаш учун сарфланади. Директор, унинг ўринбосарлари, бош инженер ва бош бухгалтер юқори ташкилотнинг ижозати билан ойлик маош окладининг 25 процентигача миқдорда мукофотланиши мумкин.

Министрлик ва идорага берилган мукофотлар министрлик ва идора аппарати ҳамда уларнинг республика саноат бирлашмалари (бошқармалари) ходимларини мукофотлаш учун сарфланади.

Қорақалпоғистон АССРга, областларга ва Тошкент шаҳрига берилган мукофотлар Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети ва касаба союзлари область Советларининг қарорларига мувофиқ, Иттифоқ-республика ва республика қарамоғидаги министрлик ҳамда идораларнинг бирлашма ва корхоналари ишлаб чиқариш илғорларини мукофотлашга сарфланади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда «КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари асосида ғоявий-тарбиявий, сиёсий, ташкилотчилик ва социал-иқтисодий фаолият бирлигини таъминлашда раҳбар кадрларнинг ролини ошириш юзасидан 243-Граждан авиацияси заводи партия комитетининг иши тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

243-Граждан авиацияси заводи партия комитетининг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорларига амал қилиб, ғоявий-тарбиявий ишларни, сиёсий ташкилотчилик ва социал-иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш, унда раҳбар ходимларнинг ролини ошириш тадбирларини кўраётгани таъкидлаб ўтилди.

Социалистик мусобақа ривожлантириляпти, унинг ошкоралиги таъминланяпти, натижалар таққослаб борияпти, кўргазмали агитация системаси яхши йўлга қўйилган. Интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда. Бу эса 1981 йилга нисбатан меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми бузилишлари сонинг салкам икки марта камайтириш, кадрлар қўнимсизлигини эса қисқартириш имконини берди. Маиший турмуш ва дам олиш шароитлари яхшиланмоқда. Ун биринчи беш йилликда завод бир маромда ишламоқда. Ўтган уч йил ичида ишлаб чиқариш ҳажми 26,9 процент ошди, меҳнат унумдорлигининг ўсиши 118,6 процентни ташкил этди, самолётларни ремонт қилиш сифати яхшиланди.

Шу билан бирга завод партия комитетининг сиёсий-тарбиявий, ташкилотчилик ва хўжалик фаолияти бирлигини таъминлашда раҳбар кадрларнинг ролини ошириш юзасидан 243-Граждан авиацияси заводи партия комитетининг иши тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюроси ўз қарорида 243-Граждан авиацияси заводи партия комитети зиммасига қайд этиб ўтилган нуқсонларга барҳам бериш, бутун ташкилотчилик, ғоявий-тарбиявий ва социал-иқтисодий фаолият савиясини тубдан оширишни таъминлаш вазифасини юклади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг мажлисида, шунингдек «1984 йилда Тошкент шаҳрини иқтисодий ва социал ривожлантириш плани лойиҳаси тўғрисида»ги, «1984 йилда Тошкент шаҳри бюджетининг лойиҳаси тўғрисида»ги ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг мажлисида республика пойтахти илғор бригадалари коллективларининг меҳнат унумдорлигини пландан ташқари камида 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент пасайтиришга эришиш, бунинг эвазига меҳнат унумдорлиги бўйича беш йиллик топшириғини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигигача бажариш ташаббусини маъқуллади.

тонгги газеталарда

● СССР молия министри В. Ф. Гарбузовнинг «СССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1982 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида» СССР Олий Совети тўққизинчи сессияси Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлисида қилган доклади ва якунловчи нутқи китобча қилиб нашр этилди.

Снёсий нашриёт чиқарган бу китобчага СССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун, СССР Олий Советининг СССР 1982 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақидаги қарори ҳам киритилган.

Партиявий принципиаллик руҳида

Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона область партия ташкилотларининг ҳисоботсайлов конференциялари юксак талабчанлик, партиявий принципиаллик, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь ва декабрь Пленумлари белгилаган, ўрток Ю. В. Андропов нутқларида ўртага қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга тайёрлик вазиятида ўтди. Конференцияларда: Андижонда — область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Жиззахда — Ҳ. А. Шоғазатов, Қаршида — Р. Ғ. Ғойибов, Термизда — А. Каримов, Гулистонда — В. А. Ҳайдуров, Фарғонада — Ҳ. Умаров доклад қилдилар.

Докладларда, конференция делегатларининг нутқларида Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсати, партия ленинча Марказий Комитетининг кўп қиррали фаолияти астойдил маъқулланганлиги айтилди. Совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисида, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилаётганликлари учун партия билан ҳукуматга миннатдорчилик изҳор этилди.

Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари ўтган уч йил мобайнида хўжалик ва маданий қурилишнинг кўпгина соҳаларида эришган ютуқлар конференцияларда уқтириб ўтилди. Партия ташкилотларининг жанговарлиги оширилганлиги туфайли экономиканинг барча жиҳатларига уларнинг ўтказаётган таъсири сезилари равишда кучайганлиги, ташкилотчилик ва сиёсий ишни анча юксалтиришга эришилганлиги таъкидланди.

Конференцияларнинг делегатлари қилинган ишларнинг якунларини таҳлидий этиб, партия ташкилотлари ишидаги камчиликлар, фойдаланилмаётган кўпгина резервлар ҳақида ошкора гапирдилар. Меҳнат коллективларининг ҳаммаси ҳам маҳсулот, айниқса халқ учун мўлжалланган моллари реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш тўғрисидаги топшириқларини эплай олмаётганликлари таъкидланди. Иш вақтининг зое кетишига ҳали ҳам йўл қўйилмоқда, муҳим объектлар муддатида ишга туширилмаяпти, шартнома асосида ва кооперативлаштирилган тармоқлар маҳсулот етказиб бериш мажбуриятлари бажарилмаяпти. Янги қувватлар суст ўзлаштирилмоқда. Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор формаларини ва аввало бригада пудратини оммалаштириш ва жорий этиш яхши йўлга қўйилмаган.

Конференцияларнинг иштирокчилари партия Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумининг, ўрток Ю. В. Андроповнинг программавий нутқлари талаблари асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва бутун иш сифатини янада яхшилашга алоқадор масалаларга катта эътибор бердилар. Саноатда ва қишлоқ хўжалигида мавжуд барча резервлардан тўлароқ фойдаланиш, план ва мажбуриятларнинг бажарилиш тақдири учун ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир меҳнатчининг шахсий масъулиятини ошириш муҳим эканлигини уқтириб ўтилди.

Конференцияларда сўзга чиққан нотиқлар бутун сиёсий ишни, партия комитетларининг меҳнаткашларни беш йиллик топшириқларини сўзсиз бажаришга сафарбар этиш, уларда ишлаб чиқаришда чинакам хўжайин бўлиш туйғусини тарбиялаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш ҳақида гапирдилар.

Конференцияларнинг иштирокчилари СССР Олий Советига бўлажак сайлов партия ташкилотлари олдига катта ва жиддий вазифаларни қўяётганлигини айтдилар. Ана шу муҳим сиёсий кампаниянинг ўтказилиши омма ўртасида сиёсий-тарбиявий ишни янада кучайтириб юборишга, социалистик турмуш тарзининг, совет демократиясининг афзалликларини кўрсатиб бериш учун янги омил бўлиб хизмат қилиш керак.

Конференцияларда халқ хўжалигига, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга партиявий раҳбарликни яҳада кучайтириш тадбирлари белгиланди.

Конференцияларда: Андижонда — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов, Қаршида — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров, Гулистонда — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов, Жиззахда — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Термизда — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони Ю. П. Максимов, Фарғонада — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова нутқ сўзладилар.

Конференциялар ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари: Андижонда — А. Ф. Макаров, Жиззахда — В. И. Меркулов, Гулистонда — Н. Е. Вологдин, Фарғонада — И. Е. Пономарев қатнашдилар.

Конференцияларда область партия ташкилотларининг раҳбар органлари сайланди.

* * *

Область партия комитетлари янги составининг пленумлари бўлиб ўтди. С. М. Мамарасулов Андижон область партия комитетининг биринчи секретари, А. П. Шендрик — иккинчи секретари, М. Ҳ. Муҳиддинов, М. Р. Раҳимов, И. К. Қурбонов — секретарлари қилиб сайландилар.

Ҳ. А. Шоғазатов Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари, Е. А. Клеменов — иккинчи секретари, П. Исмоилов, Ў. З. Олимов, Б. Шакаров — секретарлари қилиб сайландилар.

Р. Ғ. Ғойибов Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари, И. И. Головачёв — иккинчи секретари, М. Ҳудойқулов, Б. П. Кунченко, М. Г. Гулмирзаев — секретарлари этиб сайландилар.

А. К. Каримов Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари, Г. П. Стешенко — иккинчи секретари, Х. Х. Ҳолиёров, Қ. Б. Бобоқулов, П. Ш. Шаметов — секретарлари қилиб сайландилар.

В. А. Ҳайдуров Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари, А. Ш. Ҳабибуллаев — иккинчи секретари, С. Д. Давлатова, Ю. И. Йўлдошев, О. А. Азимбеков — секретарлари этиб сайландилар.

Ҳ. Умаров Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари, П. В. Догонкин — иккинчи секретари, А. Б. Саидхўжаев, С. М. Тиллахўжаев, Т. А. Эгамбердиева — секретарлари қилиб сайландилар.

(ЎзТАГ).

№ 1 (9)

ВАТАНПАРВАР

«ВАТАНПАРВАР» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИ СОВЕТ КОМИТЕТИ ТОШКЕНТ СЕКЦИЯСИНИНГ РАИСИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ БОИС ҲАМИДОВИЧ ЭРГАШЕВ.

Ёшларни Ватан ҳимоячилари этиб тайёрлайлик

1984 йилда тошкентликлар бутун республика аҳолиси билан биргаликда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллик юбилейини нишонлашади. Бу сананн муносиб кутиб олиш учун жуда кўп ишларни амалга ошириш лозим. Шу муносабат билан уруш ветеранлари Совет комитети Тошкент секцияси, уруш ветеранларининг олдида ёшлар ўртасида олиб борилаётган ҳарбий-ватанпарварлик ишларини янада активлаштириш, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдек муҳим вазифалар турибди.

Мухбиримиз М. Горбачев уруш ветеранлари Совет комитети Тошкент секциясининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. Ҳ. ЭРГАШЕВ билан учрашиб, ундан 1984 йили секция олдида турган муҳим вазифалар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Биз учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андроповнинг ветеранлар билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқи, шунингдек, СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Дмитрий Федорович Устиновнинг 1983 йил декабрь ойида Совет Қуролли Кучларининг ветеранлари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқи ҳаракат программамиз бўлиб қолди.

Ўтган йили идеология ишлари савиясини ошириш ва меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларни Коммунистик партия, совет халқи ва унинг Қуролли Кучларининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш Тошкент секциясининг диққат марказида бўлди. Комсомол ташкилотлари, «Билим» жамияти билан ҳамкорликда ишлаш туфайли ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишлари анча яхшиланди. Биз ҳамюртларимиз хизмат қилаётган ҳарбий қисмлардан кўплаб миннатдорчилик хатлари ола бошладик.

Секциянинг пропаганда комиссияси катта ишни амалга оширди. Комиссия составида Қуролли Кучларнинг зетеранлари, хизмат кўрсатган маданият ходимлари ва олимлар бор. Улар ҳар жиҳатдан етук лекторлардир.

Секция фаолиятида ҳарбий илмий-назарий ва амалий конференцияларга катта аҳамият берилди. Жумладан, «КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари — амалда», «Сталинград жангининг 40 йиллиги», «Курск ёйидаги улкан жанг» деган темаларда конференциялар ўтказилди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети билан ҳамкорликда агитпоезд ва агитсамолётлар ташкил этилди. Уларнинг составида комсомол, «Билим» жамияти, маданият министрлиги, партия, уруш ва меҳнат ветеранларининг вакиллари бор эди.

Мактаб комиссиясининг роли ҳам анча юксалди. Уруш ветеранларининг актив иштирокида, ҳарбий раҳбаркор томонидан шаҳардаги барча мактабларда жанговар шуҳрат музейлари, хона ва бурчаклари ташкил этилди. Улар ёшларни ҳарбий-ватанпарв а р лик руҳида тарбиялаш марказлари бўлиб қолди.

Ҳалок бўлган жангчиларнинг хотирасини абадийлаштириш комиссияси ҳам жиддий ишларни амалга оширмоқда. Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қўлга киритган Буюк ғалабасига бағишлаб Москвадаги Таъзим тепалигида мемориал комплексини бунёд этиш ҳақидаги ташаббус шаҳар жамоатчилигини ҳаяжонга солди. Секция Президиумида мемориал қурилишига маблағ ўтказиш бўйича Мурожаат қабул қилинди. Ўтган йили қурилиш фондига 240 минг сўм маблағ ўтказилди.

Секция уруш қатнашчилари ва ишвалидларининг хатлари ва шикоятларига эътибор бериши ўзининг энг асосий вазифаси деб билмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда биз бирорта ҳам шикоятни эътибордан четда қолдирмасликка алоҳида аҳамият берамиз. Ҳар бир фронтчи-ветеран социалистик Ватан ҳимоячиларини тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишига эришамиз. Шунингдек, уруш қатнашчиларининг фаолиятларини СССР Олий Советига сайловлар пайтида, шунингдек Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига тайёргарлик кўриш даврида янада кучайтиришни мўлжалламоқдамиз.

● СОЛДАТ МАКТУБИ

КАСБИМИЗ — БУНЁДКОРЛИК

Биз солдатлик хизматини қардош Украинада ўтказмоқдамиз. Қисмимиз жангчиларига аҳоли учун турар жойлар, клуб ва маданият саройларини бунёд этишдек фахрли вазифа топширилган. Шуни қувонч билан айтиш керакки, жангчилар ўзларининг бурчларини сидқидилдан бажаришмоқда. Бунга бир мисол келтирайлик. Яқинда Львов шаҳри ўзининг 700 йиллигини нишонлади. Юбилей арафасида қисмимиз жангчилари зарбдор меҳнат қилишди. Улар бирданига бир неча тўққиз қаватли уйларни фойдаланишга топширдилар.

Ҳар бир коллективнинг ўз машъаллари бўлганидек, бизнинг ҳам ишни тез ва сифатли бажаришда сафдошларига ўрнак бўлаётган илғорларимиз бор. Уларнинг каторига ўзбекистонлик Фарҳод Рамазонов, озарбайжонлик Рамз Жаба, роя, украиналик Микола Иванов ва грузиялик Александр Загоровскиларни қўшиш мумкин.

Айни пайтда ҳарбий санъат сирларини ҳам ўрганиб бормоқдамиз. Машғулотлар юқори савияда ташкил этиляпти. Мамлакатимиз ва чет элда юз берган муҳим сиёсий воқеалардан хабардор бўлиб турибмиз.

Ш. ИСЛОМОВ,
ефрейтор.

• *Ветеран — ҳамон сафда*

БУНДАН МУҲИМРОҚ ИШ ЙЎҚ

Истеъфодаги полковник, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Пётр Федорович Макаров қариб 35 йил армияда хизмат қилди. 1941 йилнинг июль ойидан бошлаб ғиёда аскарлар билим юрти курсанти бўлди. Бир йил ўтгач, ҳаракатдаги армия сафига қўшилди. Воронеж ва 1-Украина фронтларида жанг қилди. Уч марта яраланди.

Уруш ва армия ветерани кўксини бир қанча жанговар мукофотлар безаб турибди. Улар орасида энг юксак мукофот — Совет Иттифоқи Қаҳрамони «Олтин юлдузи» бор. Бу юксак мукофотга у яқинда бутун мамлакатимиз озод этилган қунининг 40 йиллигини нишонлаган Киев учун бўлган жангларда сазовор бўлган.

Петр Федорович Макаров шонли жанговар армия йўлини босиб ўтди. Кейинги 15 йил мобайнида у Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округида хизмат қилди. Мамлакатимизнинг энг кекса офицер кадрлар тайёрлаш ўчоғи — В. И. Ленин номли Тошкент умумқўшин командирлари олий билим юртида тактика бўйича дарс берди.

Мана истеъфога чиқиш пайти ҳам келди. 1971 йили Петр Фёдорович Макаровни хизматдошлари «миқиб ҳордиқ чиқариш»га кузатдилар. Бироқ ветеран ҳамон сафда. У Тошкент чет тиллар институтида граждан мудофаасон системасида ишлаяпти. П. Ф. Макаров бу ерда студент-ёшларни ҳарбий-ватанпар в а р лик руҳида тарбиялаш бўйича катта ишларни амалга оширмоқда. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси учун ёшларга урушнинг даҳшатли асоратлари, Рейган маъмуриятининг милитаристик сиёсати моҳиятини очиб бериш ва давлатимиз томонидан жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш учун белгиланган тадбирлар тўғриисида гапириб беришдан бошқа муҳимроқ иш йўқ.

Г. МИХАЙЛОВ.

* * *

СУРАТДА: Совет Иттифоқи Қаҳрамони П. Ф. Макаров бўлажак солдатлар билан суҳбатлашмоқда.

И. Сизов фотоси.

Сўнмас у кунлар шуҳрати

ЎША ЭСКАДРОН ШУНҚОРИ

Кулимсираб кирган котиба:

— Сизни ҳарбий комиссариатдан қидириб келишибди, ота, — деди.

Отанинг ҳаётий хотиралари ни эшитиб ўтиргандар ҳам беихтиёр жилмайишди, кекса одамни ҳарбий комиссариат қидиртириши ғалатироқ туюлди, шекилли. Ота—Раҳим Мирзаев эса «Хўп, раҳмат қизим», деб барваста қоматини тик тутиб, қирчиллама йигитдек шахдам юриб ташқаригa чиқди.

— Тетик, бардамлигига қойилман, — деди хўжалик ходими Дўстмат Орипов ҳамсуҳбати Абдулла Эгамбердиевга. — Қанча машаққатларга йўлиққан, ёши етмиш бешдан ошган одам! Биз бўлсак тинчлик даврида туғилиб, фароғатда яшаб юрибмиз-у, ёшимиз эллиққа етмай ўтирсак ҳам «Вой белим» деймиз, турсак ҳам. Нега бундай, а!

Коммунист Абдулла Эгамбердиев аста тушунтирди:

— Ҳаётда ўз ўрнини топиб олиш, меҳнатга тўғри муносабат, ўзига талабчанлик — ҳарбий хизмат шарофати бу. Менимча ҳарбий хизмат — тенгсиз бадантарбия. У уқувсизни мирншкор, лапашангни эпчил, аниқовни ҳушёр қилади, инсонни чиниқтиради. Шунинг учун узоқ вақт ҳарбий хизматда юрганлар кексайганларида ҳам тетик, бардам, саранжом-саришта бўладилар...

1941 йилнинг машъум 22 июни. Туғилган она юртим — Туркистоннинг Қарноқ қишлоғидан Шаҳрихонга келиб, ўн йилдан бери биология ўқитувчиси, мактаб директори бўлиб юрган Раҳим Мирзаев барча совет кишилари қаторн бир лаҳза ҳанг-манг бўлиб қолди: уруш!..

Она-Ватан бошига тушган мусибатли дамларни ифодаловчи шу биргина сўз радио карнайларидан қалбларга даҳшат солиб янграган кунининг эртасигаёқ Р. Мирзаев район ҳарбий комиссариатига борди, жангга юборишларини сўраб ариза топширди. Орадан сал фурсат ўтгач, у Оренбургда аскарлик формасини кийиб, 84-отлиқ аскарлар полкининг жангчисига айланди.

Урушнинг биринчи йили Раҳим Мирзаев учун чиниқиш, ҳарбий соҳа сирларини чуқурроқ билиш, отлиқ қисмга хос жанглар маҳоратини эгаллаш билан ўтди. 1942 — 1943 йиллар 3 ва 4-Украина фронти қўшинлари сафида Смоленск, Ровно, Дубко, Сечи шаҳарлари учун олиб борилган оғир жанглар даври. Лейтенант Раҳим Мирзаев механизациялаштирилган группада эскадрон командири. Сечи шаҳри станциясига яқинлашганда душман қаттиқ қаршилик кўрсатди, олга силжишнинг иложи қолмади. Бунинг учун тез орада душманнинг техникасидан, жонли кучидан хабардор бўлиш зарур эди. 33-отлиқ аскарлар полки командири подполковник Евкеев гвардиячи лейтенант Мирзаевга: «Сен нима дейсан, шунқор!» деб жилмайган эди, у: «Рухсат этинг, ўртоқ командир» деб честь берди. Шундан кейин Мирзаев бошлиқ группа разведкага юборилди. Улар саккиз киши эди.

Тун. Душман томонидан ёритувчи ракеталар отилиб турган пайт. Разведкачилар отларини аста йўрғалатишаверди. Душман қароргоҳига яқинлашганда Раҳим бир гуруҳ шерикларини пистирмада қолдириб, олдинга кетди. Кундузи ёққан қор устидан, пастқам жойлардан аста-секин бориб станцияга яқинлашди. Темир йўл ёқасидан бизникилар томонга хартум тўпларини чўзиб шайланиб турган 86 та душман танкини аниқлади.

Разведкачилар келтирган маълумотлардан қўмондонлик мамнун бўлди ва ўша ондаёқ артиллериямиз қақшатқич зарба берувчи ўт очди. Осмон узра ярим соатча бетиним учган катта-кичик снарядлар зарбаси остида қолган душман танклари яксон этилди. Тез орада Сечи шаҳри эгалланди. Бу муваффақиятни таъмин этган разведкага бошчилик қилган лейтенант Раҳим Мирзаев қўмондонлик томонидан муносиб тақдирланди ва унга «Қизил Юлдуз» ордени топширилди.

Қўшинларимиз ғалаба отини қамчилаб кетаётган 1944 йилнинг айни ёз пайти. Беркинган сичқонинг инини ҳам тополмай, оёғи куйгандек типирчилаб қочаётган душманни қувиб бораётган совет қўшинлари она-Ватан чегарасидан чиқиб, ўзга юртларда жанг қилаётган эди. Чехословакия билан Австрияни иккига ажратиб оқувчи Моравна дарёси устига қурилган кўприк ҳамманн ўйлатиб қўйди. Отлиқ аскарлар бўлинмаси шу кўприк яқинидаги қалин ўрмон ичига жойланиб олган. Қўмондонлик қандай бўлса ҳам кўприкни портлатмай асраб қолиш ва уни эгаллаш вазифасини командирн масаланинг ғоят нозик ва муҳим томонини ҳисобга олиб, ўн чоғли жасур ва мард жангчилардан махсус группа тузди, унга лейтенант Раҳим Мирзаевни бошлиқ этиб тайинлади.

Тунги сукунат паноҳида дарёнинг чап қирғоғига, кўприкнинг шундоққина бошланишига темир-бетондан ишланган ДОТга солда яқинлашишди. Жангчилар командирнинг буйруғи билан қирғоққа сакрашиб чиқиб олиб, сол билан хайр-маъзур қилишди. Бироқ ДОТга кириб бир-бирларига қараб қолишди: унда ҳеч зоғ йўқ. Мирзаев ўзича, «фашистлар бунчалик анойи эмас, шундай ишончли марранн бекорга ташлаб кетмас» деб, ўз группаси билан ДОТ ичига жойлашиб олиб, ўнг қирғоқни кузата бошлади. Шу орада сапёрларимиз етиб қолишди. Улар эҳтиёткорлик ва синчковлик билан кўприкнинг «нафас олишини текширишга киришишди. Шунда командирнинг тахмини тасдиқланди: кўприк усталик билан миналаштирилган ва зарур босим тушиши билан кули кўкка совурилар эди.

Тўрт йиллик оғир урушнинг ғалаба тонги қуёш шафағидек аниқ кўриниб турган пайтда Раҳим Мирзаев бошига умр бўйи эсдан чиқмайдиган мусибат тушди. Уни қўл-оёғи мажақланган ҳолда дастлаб Венадаги госпиталда муолажа қилишди, кейин Чехословакиянинг Братислава шаҳрида даволашди. Врач-хирурглар ахири қўлини кесмоқчи бўлишган эди, Мирзаев: «Йўқ, отлиқ аскарга қўл керак», деб кўнмади. У касалхонадан-касалхонага ўтиб юриб, 1947 йилдагина оиласи бағрига қайтиш бахтига эришди. 1950 йилда эса оиласи билан Тошкентга кўчиб келди-ю, инвалидликни рад этди, нафақа пулидан воз кечди, дафтарчасини эсдалик учун олиб қолиб, ишга кирди.

...Хонага Р. Мирзаев кириши билан ҳамма унга қараб қолди. Чеҳраси мамнун жилмайган собиқ солдат оппоқ паға булут парчасидек серқатлам кўпчиган сочларини силаб кўйиб, мардона юриш қилиб тўрга ўтди. У билан кирган Октябрь район ҳарбий комиссариатининг вакили хонадагиларга қараб:

— Биз бир собиқ жангчини —эскадрон командирини қидириб келган эдик. Ўша шунқор шу ерда экан, мана, — деб Раҳим Мирзаевни кўрсатди.— Аниқлашимча, Мирзаевнинг жангларда кўрсатган жасоратлари учун берилган орден ва медаллар ўн бешта. Аммо II даражали Улуғ Ватан уруши орденн, «Жасурлиги учун», «Германия устидан қозонилган ғалаба учун», «Вена олинганлиги учун», «Будапешт олинганлиги учун» каби медаллар Мирзаевни урушдан кейинги йилларда қидириб топган экан. Бугун яна бир фахрли нишон уни излаб келди, шуни эгасига топширишга рухсат этасизлар, —деб, отанинг кўксига уни тақиб қўйди.

— Дилимдаги қувончни қандай изҳор этишга ожизман. Раҳмат! Тинчлик, бахтли ҳаёт учун жонимни тикишга тайёрман, — деди у мамнун бокиб.

Б. ИМОМОВ,
А. МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходимлари.

• *Ҳамшаҳарларимиз шундай хизмат қилишмоқда*

Ўрнак олса арзийди

Алишер Охунов ўқув бўлинмасини «яхши» ва «аъло» баҳолар билан тамомлади. Имтиҳонларни топшириб бўлгач, уни қисмга танк командири қилиб жўнатишди. Маълум бўлишича, у хизмат қилажак экипаж бир неча йиллардан буён энг яхши аълочи экипаж сифатида танилган экан.

Алишер Охунов ўз имкониятларини билар эди. Ўқув бўлинмасида анча-мунча тажриба орттириб қўйганди. Экипажнинг иккинчи янги аъзоси — Виталий Тимошенко ҳам абжир йигит экан. Тўғри, Алишерда ҳаммаси ҳам кўнгилдагидек ўнгидан келавермас эди. Айрим жанговар тайёргарликларда у ҳам гоҳида оқсаб қолар эди.

Бунинг битта йўли бор эди. Фақат отиш назариясини изчиллик билан ўрганиш зарур. Фақат машқ қилиш, тўғри отиш маҳоратини ошириш зарур. Бўлинмада бундайлар оз эмасди. Улардан бири — кичик сержант Виталий Калашников билан Алишер Охунов тезда дўстлашиб кетди. Виталий пулемётдан биринчи отишдаёқ нишонга урар эди. У Алишерга отиш маҳоратини, тажрибасини ўргата бошлади. В. Калашниковнинг ўқ отиш бўйича маслаҳатлари, назарий ва амалий жиҳатдан ёрдамлари танкдан ўқ отиш машғулотларида ўзининг ижобий натижаларини берди.

Навбатдаги жанговар отишмаларнинг бирида ёш танкчи вазифани аъло даражада бажарди. Жанговар варақа редактори солдат газетасининг навбатдаги сонини тайёрлади. Унда комсомол аъзоси Охуновнинг машғулотларда қўлга киритаётган ютуқлари тўғрисида, биринчи отишдаёқ нишонни тўғри уриш маҳорати тўғрисида ҳикоя қилинган эди. Бу муваффақиятини Алишер ўз ота-онасидан яширолмади. Уйига — Тошкентга ота-оналарига, дўстларига бу ҳақда мактуб йўлладди.

Дастлабки ой ўқув машғулотларига якун ясалганда, рота командири Алишер Охуновни мақтади ва сўзи сўнгида қўшиб қўйди:

— Ҳар биримизнинг жанговар тайёргарлик бўйича шахсий муваффақиятимизнинг устидан чиқишади. Чунки бу ерда ўрнак олса арзийдиган взвод командири ўринбосари сержант А. Охунов бор. Қисм илғори, кичик командирдан танкистлар ҳар қанча ўрнак олса арзийди.

В. ЦАРИК,
майор.

Қизил Байроқли Одесса ҳарбий округи.



КЕЛАЖАК ПАХТАСИ

Генетика, селекция, уруғчилик — Г. С. Зайцев номидаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти (ВНИИССХ) фаолияти ана шу уч йўналишда олиб борилади. Бу ерда қимматбаҳо ўсимликнинг истиқболли навлари яратилмоқда. Институт лабораторияларида келажак пахтаси дунёга келмоқда. Бу ердан у дастлаб тажриба участкаларига, сўнгра эса мамлакатимизнинг пахтакор республикалари далаларига йўл олади.

1983 йилда институт олимлари беш мавзу ва 32 топшириқ бўйича бир пайтда тадқиқотлар олиб бордилар. Улар «оқ олтин»нинг янги серҳосил, тезпишар, вильтга чидамли навларини яратиш билан боғлиқ эди.

Кейинги йилда мамлакатимиз пахтакор республикаларида институт селекционерлари яратган 10 та районлаштирилган навлар экилди. Йиллик иқтисодий самара 100 миллион сўмдан ортиб кетди. Шу билан бирга ғўзанинг яна 15 янги нави, шу жумладан 5 та ингичка толали, қимматбаҳо нав давлат синовидан ўтказилди.

Мутахассисларнинг фикрича, «Тошкент — 9», «Қарши—6», «С—4880», 3 та паст бўйли ва бошқа ғўза навлари анча истиқболлидир. Уларнинг ҳаммаси ўртача 8—12 кун эрта пишади, 10—15 процент серҳосил, вильт касаллигига анча чидамли, шунингдек, толалари сифати юқори.

Г. С. Зайцев номидаги институт олимлари янги навларни ўрганиш ва яратиш учун яхши базага эга. Институтда тўпланган ғўза коллекцияси жаҳондаги турли мамлакатлардан олиб келинган 8800 дан ортиқ навни ўз ичига олади.

СУРАТДА: ғўза цитогенетикаси лабораторияси мудири, биология фанлари кандидати Константин Фомич Гесос ва катта илмий ходим Озод Муродович Муродов янги ғўза нави бўйича тадқиқот олиб бормоқдалар.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

ШЎРТАН ГАЗИ — ТОШКЕНТГА

Қарши даштининг бий ер ости «омборларидаги» табиий ёнилги Ўзбекистон пойтахтига етиб келди. Сирдарё ГРЭСи билан Тошкент ўртасидаги 204 километрли янги газ магистрали ишга туширилди. Бу — «Средазнефтегазст р о й» трести кўпгина бўлинмалари коллективларининг қарийб икки йил давом этган қизғин меҳнати якунидир. Янги магистрал одамлар аллақачон обод қилган ва аҳоли зич яшайдиган районларни, ўнлаб катта каналлар ва Сирдарё, Чирчиқ, Ангрен каби дарёларни кесиб ўтди. Аниқ инженерлик ҳисоб-китоби, меҳнатни моҳирона ташкил этиш қурувчиларнинг муваффақиятини таъминлади. Магистрал бир йўла икки томондан: Мирзачўлдаги энергетиклар шаҳри Шириндан (бу ерга Шўртан гази бундан уч йил муқаддам берилган эди) ва Тошкентдан қуриб борилди. Бунинг учун иккита йирик механизациялашган отряд ташкил этилди, улар ўртасида траншея қазиш, қувурларни ўраш ва ётқизиш борасида энг юқори кунлик иш унуми учун мусобақа дарҳол авж олиб кетди.

Янги магистрал туфайли Тошкент зонасининг саноати шу йилнинг ўзидаёқ қўшимча бир неча миллиард куб метр табиий ёнилги олади. Тошкент ГРЭСининг ўтхоналарида газ ёна бошлайди. Оҳангарон цемент комбинати печларида. Олмалиқ кон металлургия комбинатининг мис эритиш заводида ҳозирдаёқ газ ишламоқда. Электр энергия ҳосил қилишни, цемент, мис ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, юз минглаб тонна қорамойни тежаш, минглаб темир йўл цистерналарини ҳоли қилиш мумкин бўлиб қолди.

Сирдарё ГРЭСи билан Тошкент ўртасидаги газ қувури ишга туширилгач, унинг ҳом ашё базасини — Қарши даштидаги газ химияси комплексини ривожлантириш жадаллашади. Муборак газни қайта ишлаш заводининг тўртинчи навбати барпо этила бошланди, бу эса тозаланаётган ёнилгини йилига ўн миллиард куб метрдан 15 миллиард куб метрга етказиш имконини беради. Шўртан, Памуқ ва бошқа газ конларини ўзлаштириш давом этмоқда. Геологлар республика жанубида разведка қилган табиий ёнилги запаслари эса гоят каттадир. Шўртандан Тошкентгача бўлган 500 километрдан кўпроқ бутун газ қувури трассасида компрессор станцияларининг йўқлиги диққатга сазовордир. Ер остидаги газнинг босими шу қадар кўпки, ёнилги бу йўлни ўзи мустақил «босиб ўтади».

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

11 ЯНВАРЬ, 1984 й.

Саломатлик
ҳақида сухбатлар

● РАКНИ ДАВОЛАШ МУМКИН

● ШАМОЛЛАБ ҚОЛГАНДА ҚУЛЛАНГ

● ДОРИ-ДАРМОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАНДА

Олимлар нималар устида ишлаяптилар?

РАК: ПРОФИЛАКТИКА ЙЎЛЛАРИ

Ракка қарши курашишнинг муваффақиятли бўлиши фақат хирургик йўл, нур ва дори-дармонлар билан даволаш методларинигина янада такомиллаштириш билан чегараланмайди. Онкологияда профилактика, яъни рак касалликларининг олдини олиш алоҳида аҳамият касб этади.

Хавфли ўсмаларнинг олдини олишнинг мавжуд шаклларини такомиллаштириш билан бир қаторда, уларни патогенетик профилактика қилиш методларини ҳам қидириб топиш зарур. Бунга организмнинг ўзи ишлаб чиқарадиган, физиологик жиҳатдан актив бўлган ва ўсма тўқимасининг асосий механизмларига таъсир кўрсатадиган бирикмаларни комплекс равишда қўллаш йўли билан эришиш мумкин. Шулардан баъзилари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Ўсма тўқимаси қон ивишини оширадиган моддаларни ишлаб чиқаради. Бу моддалар «Ракнинг коагуляция қилувчи факторн» деб аталди. Бошқа томондан олганда, қоннинг ивиш системаси активлиги ошишида ўсма ҳужайраларининг фибринолитик қобилиятини пасайтирувчи моддалар ишланиб чиқиши сабаб бўлади.

Растр электрон микроскопия ёрдамида (у объектни уч марта катталаштирилган тасвирда ўрганишга имкон беради) рак ҳужайралари юзасидан ипсимон тузилмалар топилди. Улар ҳужайра ўсимталари ёки қўшувчи тўқималарнинг толасимон тузилмаларига алоқадор эмас эди. Улар ўзларининг ташқи аломатларига кўра, тромботик массадаги фибрин толаларига ўхшарди. Кейинги олиб борилган тадқиқотлар натив қон одамнинг ўсма ҳужайралари культурасига қўшилганда улар юзасига фибрин ипларининг жуда кўплаб чўкишини кўрсатди.

Фибриннинг ўсма ҳужайраси юзасига чўкишининг биологик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги нимада, деган савол туғилади. Маълумки, у ҳаммадан кўп учрайдиган ва кенг тарқалган патологик процессларда, жароҳатларнинг битишида тромб ҳосил бўлишида бевосита иштирок этади ва ҳоказо. Шу сабабли, рак ҳужайраларининг хавфли ҳужайралар пайдо бўлишининг энг илк босқичларида фибрин билан қопланиши уларнинг спецификасини билдиртирмай қўяди ва чин патологик процессни яширадиган ўзига хос мослаштирувчи реакция бўлиб хизмат қилади, деб шубҳа қилиш учун асос беради.

Хавфли ўсмаларни антикоагуляция йўли билан даволаш ғояси янгилик эмас. Бироқ, у ўтиб кетган ўсма процесни даволаш методи сифатида фақат тромботик асоратларга қарши қаратилади, холос. Бизнинг фикримизча, қоннинг ивувчанлик қобилияти жуда кучли бўлиб, катта хавф-хатарга учрайдиган одамлар ўртасида ракни профилактика қилишда фибринолитик моддалари қўллаш рак ҳужайраларига нисбатан иммунологик толерантлик (чидамлилик) ривожланишига йўл қўймайдиган чора бўлиши мумкин. Қоннинг фибринолитик системаси активлигини оширишнинг зарурияти яна шундаки, кейинги ўн йиллар ичида аниқланганидек, одамларда қоннинг ивувчанлик қобилияти анча ошди. Бу ҳодиса хавфли ўсмалар сонининг кўлайишида асосий сабаб бўлади, деб тахмин қилиш учун асос бор.

Организм ҳужайра таркибининг барқарорлигини назорат қилишнинг умумий механизмларидан ташқари, маҳаллийлари ҳам мавжуд. Кейлонларга жуда катта аҳамият берилади. Булар ҳужайраларнинг ортиқча равишда кўлайишини тўхтатадиган кейлонлар ўта даражада тўқима спецификлигига эга: улар муайян тўқимадан ажралиб, фақат шу тўқима ҳужайраларига таъсир кўрсатади. Ватанимиз олимлари ўтказган тадқиқотлар асосида шу нарса аниқландики, ҳайвон терисидан, айтганча, ҳар қандай ҳайвон терисидан олинган (кейлонларда турга хос спецификлик йўқ) ва экспериментда тери ракида киритилган кейлон унинг ўсишини рўйи-рост тўхтатади. Бу табиий агентларни яна ҳам ўрганиш йўлида ҳали ҳал қилинмаган масалалар бор.

Кейлоннинг анча қийинлик билан даволанадиган ўсмаларга қандай таъсир қилишини кузатиш қизиқиш туғдирди. Арманистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги рентгенология ва онкология илмий-текшириш институтида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, жигардан ажратиб олинган кейлон шу органда хавфли ўсма ўсишини тўхтатишда самарали восита бўлади. Кейлоннинг ўсмага қарши таъсири уни адреналин бирга қўллаганда зўрайди. Нормал суяк тўқимасидан ажратиб олинган кейлон суяк саркомаси ўсишини тўхтатди, баъзи ҳолларда эса ҳатто акс ривожланишини пайдо қилди.

Кейлонларнинг ўсмага қарши табиий омиллар сифатидаги ўта тўқима спецификлиги ва токсик (заҳарли) бўлмаслиги жигарда, суякларда, меъда ости безида, терида хавфли ўсмалар ҳосил бўлишининг олдини олишдаги ролини яна ҳам ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Турга хос спецификликнинг йўқлиги ва олиш методларининг осонлиги туфайли лиофилизланган кейлонларни ишлаб чиқариш шубҳасиз мумкин.

Кейинги вақтларда шу нарса аниқландики, рак билан касалланишнинг асосий сабабчиларидан бири бўлмиш канцероген химиявий моддалар кейлонларга қўшилади ва шу туфайли уларнинг активлигини сусайтиради. Бу ўз навбатида одам организмида ҳужайраларнинг зўр бериб тўхтовсиз равишда кўпайишига қарши чидамлилигини оширадиган табиий биологик агентлар запасини тўлдириб туриш керак, деган фикрни тасдиқлайди. Бинобарин, биологик методлар сунъий равишда организм чидамлилигини оширади.

Ракни интерферон ёрдамида патогенетик профилактика қилишнинг яна бир йўли мўлжалланмоқда. Унинг ўсма ҳужайраларининг бўлинишига тормозловчи таъсир қилиши ва экспериментда пайдо қилинган ўсмаларнинг ўсишини секинлаштирувчи таъсири борлиги аниқланган. Ҳатто клиникада интерферон таъсирида сут безлари ракининг ўсишини, қисман, баъзи ҳолларда эса бутунлай тўхтатишга эришилди. Лимфогранулематозни, қон системасининг баъзи ўсма касалликларини, суякларнинг хавфли ўсмаларини даволашда ҳам маълум даражада самарага эришилди. Интерферон системасини рағбатлантиришнинг мақсадга мувофиқлигини кўзда тутувчи қизиқ бир назарий фикр бор. Маълум бўлишича, одамда турли хилдаги юқумли касалликларни пайдо қиладиган микроорганизмлар интерферон ишланиб чиқишига туртки бўлар экан. Ҳозирги кунда одамларнинг инфекцион касалликлар билан касалланиши анча камайиб кетди ва бу касалликларнинг турлари ҳам ўзгарди (асосан одамлар вирусли касалликлар билан оғрийди), бинобарин одамларда интерферон ҳосил бўлишга қобилият сусайди, деб айтиш мумкин.

Институтимиз ходимлари интерфероннинг иммунологик реакцияларни бошқарадиган таъсири борлиги ҳақида янги маълумотлар олдилар. Бундан ташқари, интерферон ёки унинг вирусли активаторлари таъсири остида ўсма ҳужайралари қобиғининг жуда ҳам ўзгариб кетиши аниқланди. Ўсма ҳужайраси гўё тешилади, унинг бутунлиги бузилади. Энг муҳими эса, тажрибадаги ҳайвонларда интерферон ишланиб чиқишининг зўрайиши уларда хавфли ўсмалар ривожланишининг бир кадар олдини олди.

Организмнинг ўзи ишлаб чиқарадиган моддалар ёрдамида юқорида айтиб ўтилган патогенетик профилактиканинг учта тури изчилликда бир-бирига боғланган: дастлаб ҳужайралар пайдо бўлишининг «демаскировкаси», яъни билинмаслиги, кейин улар бўлишини танлаб тўхтатиш ва ниҳоят ўсмага қарши иммунитетни кучайтириш, бошқача айтганда ошириш. Маълумки, ҳимоя кучлари етарсиз бўлганда ва хусусан, иммунитет танқис бўлган ҳолатларда ўсмаларнинг пайдо бўлиш тезлиги хавфи кўп марта ошади. Шунинг учун ҳам ўсмага қарши ҳимояни бошқариш йўли билан кучайтиришни ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шубҳасиз, ракни патогенетик профилактика қилишга бир томонлама ёндошиб бўлмайди. Организмда физиологик актив моддаларнинг нима учун етишмаслигини, хавфли ўсма пайдо бўлиши сабабини ҳар бир алоҳида ҳодисада аниқлаш юзасидан текширишлар ўтказиш ва бу текширишларни тинмай давом эттириш керак. Бироқ, организмнинг ўсма ўсишига қаршилик кўрсатиш кучининг сусайиб кетганлиги шубҳасиз ва унинг ўрнини тўлдириш, яъни кучайтириш зарур. Чамаси, қирқ ёшдан ошган одамларда қоннинг ивувчанлик қобилиятининг жуда ошиши хавфли ўсма пайдо бўлиши тахдидини келтириб чиқарадиган асосий сабаблардан биридир, деб ҳисоблаш учун асос бор. Бундан уларнинг фибринолитик активлигини ошириш зарур деган масала келиб чиқади.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, рак касалликларининг олдини олишга қарши курашишда асосан профилактик йўналишга катта аҳамият бериш керак. Бу борада турли ихтисосдаги олимлар катта иш олиб боришлари зарур.

Профессор Л. МКРТЧЯН,
Арманистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги рентгенология ва онкология институти директори.

(«Медицинская газета»сидан).

МЕДИЦИНАМИЗНИНГ ТАНИҚЛИ ОЛИМИ

Таниқли совет олими, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, урология илмий-текшириш институтининг директори Н. А. Лопаткиннинг урологияни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссасини ҳисобга олиб, Халқаро урология жамияти уни ўзининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайлади. Бундан ташқари Николай Алексеевич СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бош урологи, Бутуниттифоқ урологлар жамиятининг раисидир. Буларнинг ҳаммаси кўп вақтни талаб этади ва ранг-баранг, мураккаб вазифаларни бажаришни тақозо қиладди. Н. А. Лопаткин ўзининг сергайратлилиги, юксак ижодий активлиги ва бошқа фазилатлари туфайли буларнинг ҳаммасига улгуради. Буйракни кўчириб ўтказиш проблемасини ишлаб чиқишда қатнашганлиги учун СССР Давлат мукофотига ҳамда «Дибунол» дорисини яратгани учун СССР Министрлар Советининг мукофотига сазовор бўлганлиги бунинг ёрқин далилидир.

СУРАТДА: Н. А. Лопаткин (ўнгда) чет эл фирмаларининг вакиллари ва медицина мутахассисларини «сунъий буйрак» аппарати учун она-Ватанимизда тайёрланган фильтрлар билан таништирмоқда.

А. Морковкин фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

● *Билиб қўйган яхши*

МАРГАНЦОВКАНИНГ ФОЙДАСИ

Томоқ оғриганда, ич бузилганда, одам заҳарланиб қолганда дарров марганцовка қўл келиб қолади. Унинг сувдаги эритмаси яллиғланишга қарши таъсир қилади. Бу эритма турли концентрацияларда яралари ювиш, оғиз ва томоқни чайишда ишлатилади. Марганцовка жуда кўп ҳолларда қўлланади. Ҳатто жуда кўп синтетик воситалар бўлишига қарамай, гинекология, урология ва дерматология амалиётида унинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди.

Заҳарларга қарши қўлланадиган дорилар жадвалида марганцовка биринчи ёрдам кўрсатишнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Бироқ марганцовканинг барча афзалликларига қарамай, уни эҳтиёт бўлиб ишлатиш керак. Марганцовка эритмаси қуюқ бўлса, оғиз, ҳалқум, қизилўнгач, ичак шиллиқ пардаларини куйдиради ва уларни шишишга олиб келади, одам қайд қилади ва ичи кетади. Шунинг учун марганцовка эритмасини эҳтиёт бўлиб ишлатиш зарур.

Марганцовка кристалларини тоза шиша идишда, ишқалаб ёпиладиган тиқин билан беркитиб, эритмасини эса рангли тўқ-қизил шиша идишларда сақлаш керак. Чунки қуёш нурида ва ёруғ кунда эритма бузилади.

Марганцовка эритмаси ишлатилганда терида ёки кийимда кетиши қийин доғлар қолади. Теридаги бу доғларни кетказиш учун аммоний сульфат эритмаси билан ювиш, сўнгра иссиқ сувда яхшилаб чайиш лозим. Кийимдаги ана шундай доғ эса шовил кислота, икки процентли хлорид кислота, сирка ёки лимон суви билан кетказилади.

М. ОРИФЖОНОВА.

МЕДИЦИНА ЯНГИЛИКЛАРИ

● СИГАРЕТДАН... НУРЛАНИШ

Никотиндан одам организми заҳарланишининг барчага маълум томонларига яна бирини — сезиларли радиация дозаси таъсирини ҳам қўшиб қўйиш зарур. Америкалик врачлар Р. Рэйвенхолт ва Д. Коухен кашандалар қонини синчиклаб текшириб, ана шундай хулосага келдилар. Улар радиоактив элемент— полонийнинг юқори миқдорини аниқладилар. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, одам организмига полонийнинг таъсири рентген нурларининг узоқ вақт зарар етказиши кабидир.

● УЧ ЮЗ САҲИФА ЧЕКИЛГАН

Швецияда чекишга қарши авж олган кампанияда бир ташаббускор гуруҳ бурмунча топқирлик кўрсатди. Маълум бўлишича, кашандалар ўз соғликларига зарар келтирибгина қолмай, атроф-муҳитга ҳам, яъни ўрмонлар кесилишини ҳам орттирадилар. Кунига 20 дона сигарет чекувчи киши, йилига 117 минг квадрат сантиметр қоғозни кулга айлантиради. Бу миқдор уч юз саҳифали китоб нашр этиш учун етарли.

● ГРИПП ВИРУСЛАРИ НЕЧТА?

Италиялик иммунология институти мутахассислари гриппнинг 60 та вирусини ажратиб олишга муваффақ бўлишди. Профессор Лунжи Жианиконинг таъкидлаб ўтишича, бир йўла бир неча типдаги вирусларни зарарлантира оладиган юқори самарали вакцина олишда бу ишнинг аҳамияти катта.

Римда ўтказилган халқаро симпозиумда маълум қилинишича, сўнгги 25 йил давомида грипп эпидемиясини юзага келтирадиган вируслар миқдори 231 тага етди. 1949 йилда уларнинг 6 таси маълум эди.

Шингил маслаҳатлар

● САБЗАВОТ ЯЖМАНИ

Бир дона турп, бир дона сабзини қирғичдан ўтказиб, бир шапалоқ карамни майдалаб тўғранг, кейин ҳаммасини аралаштириб юзига мурч (ёки қалампир) ва туз сепинг. Бунга яна икки ош қошиғида томат пастаси қўшиб, яхши мижилади. Сўнг 50 грамм ўсимлик мой билан бир бош пиёзни пиёздоғ қилиб, совигач тайёрланган яжман устидан қуйилади. Бу масаллиқ нон билан суркаб ейилади.

Сабзавот яжмани парҳез дармондори, маъдан моддалари ва фитонцидга бой бўлгани учун вирусларни қиради. Ёғ, оқсил моддаларни эса аъзоларни бардошли қилади.

● ИСИРИҚ ҚАЙНАТМАСИ

Уйда қиш кунлари озгина исириқ тутатиш турли микроб ва вирусларни ўлдиради (исириқ тутатилгач 5—10 минутдан кейин тутунини чиқариб юбориш керак, узоқ сақланса у бош оғритади). Исириқдан бир боғламини икки литр сувга солиб, қайнатиб, совитинг. Ана шу қайнатма билан шамоллаган ва грипп бўлган одам оғзини ғарғара қилади, бурун бўшлиғини чайқайди ва юзини ювади.

Бемор овқатланган идиш-товоқни исириқ сувига ювиб, қайноқ сувда чайилса покиза бўлади.

Меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишга ҳар доим ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Шароф Рашидов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинатида ўтган йили ишга туширилган санаторий-профилакторий ишчи ва хизматчиларга намунали хизмат қилаяпти. Юз ўринли шифохонада беморларга барча медицина шароитлари яратилган.

СУРАТДА: врач-физиотерапевт Замира Жалилова беморнинг қон босимини текширмоқда.

Ҳ. Шодиев фотоси.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«Жой йўқ эмиш»

Газетанинг 1983 йил 7 декабрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола босилган эди. Унда газетхон И. Ҳатамов бемор набирасини касалхонага ётқизишда қатор қийинчиликларга, врачларнинг қўпол муомаласига дуч келгани баён этилган эди.

ТошМИ биринчи клиникаси бош врачи вазифасини бажарувчи А. Борисова имзоси билан олинган жавобда хабар қилинишича, мақолада баён этилган фактлар комиссия томонидан текшириб чиқилди. Мақола болалар касалликлари кафедраси мудири, профессор М. Мирзамуҳамедов иштирокида ТошМИ биринчи клиникаси болалар стационари ходимлари ўртасида муҳокама этилди. Врач қабули узоқ вақт кутиб қолинганлиги ва бўлим ремонт қилинаётгани сабабли болани даволашга қабул қилиш рад этилганлиги фактлари тасдиқланди.

Бемор болага ва унинг ота-онасига эътиборсизлик билан муносабатда бўлганлар ва қабул бўлими коллективида тарбиявий ишларни бўшаштириб юборганлар маъмуриятнинг 1983 йил 15 декабрда чиқарилган 112-бўйруғи билан қаттиқ жазоландилар.



УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР МАКТАБИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ЭТАМИЗ

Ўзбек олимларига— К. Ушинский номидаги мукофот

Шу кунларда барча совет нишилари, халқ маорифи ходимлари, ҳар бир совет оиласи КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» Лойиҳасини муҳокама қилмоқдалар. Бу Лойиҳа КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленумининг программавий кўрсатмаларини амалга оширишнинг ёрқин намунасидир.

«Партиянинг ривожланган социализмни планли равишда, ҳар томонлама такомиллаштиришга, унинг инсонпарварлик моҳиятини тўлиқроқ намоён этишга, инсоннинг ижодий активлигини янада кучайтиришга қаратилган йўли совет мактаби олдига катта ва масъулиятли вазифалар қўймоқда»— дейилади КПСС Марказий Комитетининг Лойиҳасида. Ислоҳ қилиш мактаблар ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради. Шунинг учун ҳам Т. Кориниёзий номидаги республика педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг илмий ходимлари томонидан тайёрланган ва эълон қилинган иккита иш матта қизиқиш уйғотмоқда. Булар — «Ўқувчиларни коммунистик тарбиялашнинг назария ва практикаси» («Фан» нашриёти, 1981 йил), «Ўқувчиларнинг ахлоқий тарбияси» («Ўқитувчи» нашриёти, 1983 йил) асарларидир. СССР Педагогика Фанлари академияси Президиумининг қарорига кўра уларга К. Д. Ушинский номидаги иккинчи мукофот берилди. Бу фақат институт коллективининггина эмас, балки бутун республика илмий-педагогик жамоатчилигининг ҳам катта ютуғидир.

«Ўқувчиларни коммунистик тарбиялашнинг назария ва практикаси» монографиясида мактабда тарбия жараёнларининг турли жиҳатлари кўриб чиқилган, ўқувчиларда коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси принципларини мужассам этувчи фазилатларини шакллантиришнинг энг мақбул йўллари изланган.

СССР Педагогика Фанлари академиясининг мухбир-аъзоси, профессор М. К. Ҳамроев, педагогика фанлари кандидатлари Р. А. Полуянова, С. С. Раҳимова, Ф. А. Пинхасова, Л. У. Алимова, фалсафа фанлари кандидатлари В. В. Платонов ва Л. И. Золотарева, биология фанлари кандидати Д. Д. Шариповалардан иборат авторлар коллективи яратган монография ўсиб келаётган авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга комплекс ёндошишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишнинг илк босқичидир; бу иш педагогика олий ўқув юртлари ўқитувчиларига, студентлар, аспирантлар, шунингдек ўқувчиларни тарбиялаш масалалари билан қизиқувчи барча нишиларга мўлжалланган.

Мактаб ўқувчиларда ҳақиқий юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, коммунистик ахлоқни кенг ёйиш учун курашга давъат этади. Республика мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларнинг педагогик коллективлари бу йўналишда катта тажриба тўплашган. Бу тажрибани ўрганиш ҳозир алоҳида аҳамиятга эгадир. Маҳаллий шароитлар хусусияти ва ўқувчиларнинг ёшлари ўртасидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ССР мактаб, мактабдан ташқари муассасалар, ёрдамчи мактабларда ўсиб келаётган ёш авлодни ахлоқий руҳда тарбиялаш тажрибалари «Ўқувчиларнинг ахлоқий руҳ тарбияси» методик нўлланмасида умумлаштирилган. Унда ҳозирги шароитларда ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялаш вазифалари ойдинлаштирилган, кичик ёшдаги ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялаш масалалари кўриб чиқилган, ўсмирларни ахлоқий руҳда тарбиялаш, юқори синф ўқувчиларини коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашнинг йўл, шакл ва услублари тадқиқ этилган.

Шуниси диққатга сазоворки, қўлланма ахлоқий руҳда тарбиянга оид халқ мақоллари ва маталлари билан бойитилган. Унда ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялаш бўйича олиб бориладиган ишларда фойдаланиш мумкин бўлган кинофильмларнинг рўйхати ҳам берилган. Шунингдек, мазкур ишда фойдаланилган адабиётлар ва тавсия этилган адабиётлар, шаклшубҳасиз, ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялаш ишини ташкил этиш ва амалга оширишга ёрдам беради.

«Ўқувчиларнинг ахлоқий тарбияси» нўлланмаси бошланғич ва ўрта мактабларнинг ўқитувчилари, синф раҳбарлари, синфдан ташқари ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этувчилар, ота-оналар, студентлар ва кенг ўқувчилар доираси учун мўлжалланган. Ўйлаймизки, бу илмий ишлар маълум даражада умумий таълим мактаблари педагоглари олдида турган вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради.

А. ЗУННУНОВ,
педагогика фанлари доктори.

Инсон—табиат фарзанди

МУСАФФО ҲАВО ОМИЛИ

Улуғ мамлакатимизда табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга жуда катта эътибор бериб келинмоқда. Ўтган беш йилликда табиат муҳофазасига 358 миллион сўм сарфланди. 3 миллион 300 минг куб метрга тенг чанг ва газдан тозаловчи қурилмалар фойдаланишга топширилди. Кунига 1 миллион куб метрдан ортиқ оқинди сувларни тозаловчи иншоотлар ишламоқда.

Ўсимликлар, ҳайвонот оламини муҳофазалаш умумий халқ бурчи ҳисобланади. Инсон учун тоза ҳаво, кислород мўл бўлиши нақадар зарур эканини ҳамма билади. Наботот олами ҳавони тозалаб, мўл-кўл кислород беради. Олимларнинг ҳисобига кўра, бу борада ўрмонлар муҳим аҳамият касб этади. Бир гектар ердаги дарахтзорлар 280 килограмм карбонад ангидридни ютиб, 220 килограмм кислород ажратиб чиқаради. Бу табиий ҳаво фабрикасидир. Ўрмон ҳавоси шаҳар ҳавосидан 200 марта устун туради.

Инсон ҳаёти табиат билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг учун барча заруратларни осмон, ер, сув, ўсимлик, ҳайвонот дунёси етказиб беради. Шундай экан, биз доим осмонимиз мусаффо бўлишига, она-Еримиз ифлос бўлмаслигига, ўсимлик ва ҳайвонот бойлигимиз озор чекиб, камайиб кетмаслигига алоҳида эътибор беришимиз керак.

Мана ҳозир қиш фасли. Баъзида қалин қор ёғиб хиёбонлардаги, ҳовлиларимиздаги, боғ-боғчаларимизда г и дов-дарахт шохларини қалин қор қоплайди. Қор юқи оғирлик қилса, шох-шаббалар қарсиллаб синиб тушади, дарахтлар озорланади. Бундай пайтларда нозик-ниҳол дарахтлардаги қор (уюмларини оҳиста тушириш керак. Шу билан бирга, қорларни кўчаларга олиб чиқиб ташламай, дов-дарахт тагига солинса, яхши ўғит бўлади, дарахт ёзда яхши ўсади, яхши мева беради.

Шаҳримиздаги Кайковус, Қонқус каби бир қанча анҳорларда қишда сув оқмайди. Бундай пайтларда баъзи калтабин кишилар анҳорга кул, пўчоқ, турли ахлатлар ташлашади, темир-терсакларни улоқтиришади. Баҳор келиб, қорлар эригач, «сир очилади», анҳорлардан ахлату, латта-путталар оқади. Сув ифлосланади. табиат кўрки йўқолади.

Қиш кунлари боғча, хиёбон, гулзор ва экинзорларни қор қоплаганда шаҳримизда қишлаб қоладиган баъзи парандалар озиқланишдан қийналиб қолади. Шундай пайтларда уларга дон-дун сочиб, увоқ-ушоқлар бериш, умуман ғамхўрлик қилиш керак. Чунки, бу қушлар баҳордан то кеч кузгача шаҳримиз боғларида, гулзор-хиёбонларида «санитарлик» қилишади.

Она табиатимизнинг яна ҳам гўзал бўлиши учун кўчаларга, хиёбонларга, боғ-роғларимизга, анҳор ва ариқларга, дам олиш ороргоҳларига доим жило бериш, унинг кўркамлигини ошириш учун қишин-ёзин эътибор беришимиз лозим.

М. ТУЙЧИЕВ,
биология фанлари кандидати.

Тошкентдаги Академиклар шаҳарчаси йил сайин обод ва кўркам бўлмоқда. Бу ерда кўплаб илмий-тадқиқот институтларнинг янги бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Сиз мана бу фотолавҳада Ўзбекистон Фанлар академияси асосий кутубхонасининг янги биносини кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

● САНЪАТ УСТАЛАРИ

«МЕН ЎЗБЕК ҚИЗИМАН»

Номи Социалистик Ўзбекистон маданияти тарихига ёзилган хушовоз хонанда Ҳалима Носирова ўз қўшиқларининг бирида ана шундай деб куйлайди. Ҳалимахоним каби артистлар ҳақида улар биринчилардан, деб гапиришади. Ўзбекистонда биринчи профессионал музикали драма театрининг қатнашчиси, биринчи ўзбек миллий «Бўрон» операсининг ижрочиси, Ўзбекистон композиторлари яратган ажойиб хотин-қизлар образларини Тошкент опера театри саҳнасида мужассамлаштирган Ҳалима Носировага республикада биринчи бўлиб Ўзбекистон ССР Халқ артисткаси унвони берилган эди. Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти чиқарган «Китоб-альбом» СССР Халқ артисткаси, СССР Давлат мукофотларининг лауреати ва Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг лауреати Ҳалима Носировaнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган. Ўзбекистон кинематографчилари ҳам ўзбек халқининг қизи ҳақида ҳужжатли фильм яратдилар.

Китоб ва кинофильм ярим асрдан буён санъат йўлида хизмат қилиб келаётган машҳур актриса юбилейига совға бўлиб қолди.

(ЎзТАГ).

ТОҒ-ЧАНҒИ СПОРТИ БЎЙИЧА СССР КУБОГИ

V ТУР · ЧИМЁН · СССР КУБОГИ

ҲАР БОСҚИЧНИНГ ЎЗ МУАММОСИ БОР

Чимён, 10 январь, махсус слалом. (Аёллар).

Тоғ-чанғи спорти бўйича СССР Кубоги V босқич мусобақаларининг учинчи куни аёллар махсус слаломда беллашдилар. Тўғрисини айтганда, ҳар бир мусобақанинг ўзига хос қийинчиликлари бўлади. Ҳар жиҳатдан пухта ҳозирликка эга бўлган спортчигина ғолиблик нашидасини суради. Гоҳида эса озгина йўл қўйилган хато спортчини совриндорлар сафидан чиқариб юборади.

Бу сафар ҳам спорт мастери Петропавловск-камчатсклик Лариса Фомичева биринчи уринишда энг яхши натижа кўрсатди. Аммо иккинчи уринишда қўлга киритилган мавқеини сақлаб қололмади. Маррага барча спортчилардан тез етиб келган ленинградлик спорт мастери Людмила Кедрина икки уриниш якунига кўра ғолиб унвонини қўлга киритди. Л. Фомичевага иккинчи ўрин билан кифояланишга тўғри келди. Учинчи ўринга эса львовлик спорт мастери Марина Антонова кўтарилди.

Мусобақаларнинг кескин вазиятда ўтганлигини қуйидаги мисолдан ҳам билиб олса бўлади. Ўтган йили Чимёнда ўтказилган социалистик мамлакатлар «Дўстлик» Кубоги халқаро мусобақаларининг голиби, львовлик халқаро классли спорт мастери Наталья Перчаткина бу сафар совриндорлар сафидан жой ололмади.

СУРАТДА: мусобақа қатнашувчиларининг беллашувидан бир лавҳа.

Е. Ботиров фотоси.



ГАЗЕТА СОВРИНИ УЧУН

Яқинда «Таштекстильмаш» стадионида «Машиностроитель» газетаси кубоги учун футбол мусобақалари бўлиб ўтди. Беллашувларда корхонанинг цех ва бўлимларидан 16 команда иштирок этди. Мусобақа бир ҳафта давом этди.

Ниҳоят финалда тахлаш ва қуюв цехининг спортчилари куч синашдилар. Қизиқарли ўтган бу учрашувни кўплаб футбол ишқибозлари мароқ билан томоша қилишди. Ўйинда қуювчилар 4:2 ҳисобида ғолиб чиқдилар ва биринчи маротаба кубок соҳиби бўлдилар. Учинчи ўринни 2-механика цехи командасини 2:1 ҳисобида енгган 3-механика цехининг вакиллари эгаллашди.

Ҳ. ОРТИҚОВ.

ФАН—БЕШ ЙИЛЛИККА

АРТИЛЛЕРИЯ ТИНЧЛИК ЖАНГИДА

Тошкент яқинидаги Чимёнда бошланаётган тоғ чанғи мусобақаларидан олдин... артиллерия тайёргарлиги бўлди. 6 январь жума куни Ўзбекистон гидрометеорология хизмати ва атроф муҳитни кўриклаш бошқармасининг зенит тўпи катта Чимён чўққиси ёнбағирлари ва унинг яқинидаги довонларни илк бор тўпга тутди.

Тўп ўқлари портлагач, ёнбағирликларда йиғилиб қолган қор тушириларди! Барвақт қуршаб олинган, қишлардан қоли қилинган районга чами ҳажми 160 минг куб метрга яқин икки кўчки тушди.

Хўш нега қорни тўп ёрдамида туширишга керак бўлиб қолди!

СССР Гидрометеорология Давлат комитети В. А. Бугаев номидаги Ўрта Осиё регионал илмий тадқиқот институти лабораториясининг мудири, география фанлари кандидати Л. Канаев жавоб беради:

— Қор кўчкиси тўсатдан бошланиши билан ғоятда қатарлидир. Баъзан миллион тонна оғирликдаги улкан қор массаси тўсатдан кўчиб йўлида учраган ҳамма нарсани йўқ қилиб кетади. Тинчлик артиллерияси катта қор массаси йиғилишига йўл қўймайди, кўчкини олдиндан маълум вақтда туширади ва шу билан кўпдан-кўп маблағларни, эҳтимолки, кишилар ҳаётини сақлаб қолади. Бултур Чимёнда қор мўл бўлганлигидан мусобақалар ўтказишни тақиқладик, кўчкилар тушиб бўлмагунча бутун районни ёпиб қўйдик. Зенитчилар кишиларни муҳофаза этдилар, уларнинг яхши кайфиятини сақладилар, ўн минглаб дам олувчилар тоғларда бемалол чанғи учишларига имкон бердилар. Чимёнда қор йиғилишини ким кузатиб туради, ўқ узиш пайти етиб келганлигини ким ҳал этади!

Қор кўчки партиясининг бошлиғи А. Осипов жавоб беради:

— Партиямиз ходимлари зарур ўлчов ишларини бажарадилар. Ҳатарли қор массаси йиғилиши мумкин бўлган жой—маълум кўчки ҳосил бўладиган жойлар картада белгилаб қўйилган. Бу жойлар алоҳида назорат этиб турилади. Янги «Чимён» қор кўчки станциясининг ишга тушиши керак бўлиб қолди!

СССР Гидрометеорология Давлат комитети В. А. Бугаев номидаги Ўрта Осиё регионал илмий тадқиқот институти лабораториясининг мудири, география фанлари кандидати Л. Канаев жавоб беради:

— Қор кўчкиси тўсатдан бошланиши билан ғоятда қатарлидир. Баъзан миллион тонна оғирликдаги улкан қор массаси тўсатдан кўчиб йўлида учраган ҳамма нарсани йўқ қилиб кетади. Тинчлик артиллерияси катта қор массаси йиғилишига йўл қўймайди, кўчкини олдиндан маълум вақтда туширади ва шу билан кўпдан-кўп маблағларни, эҳтимолки, кишилар ҳаётини сақлаб қолади. Бултур Чимёнда қор мўл бўлганлигидан мусобақалар ўтказишни тақиқладик, кўчкилар тушиб бўлмагунча бутун районни ёпиб қўйдик. Зенитчилар кишиларни муҳофаза этдилар, уларнинг яхши кайфиятини сақладилар, ўн минглаб дам олувчилар тоғларда бемалол чанғи учишларига имкон бердилар. Чимёнда қор йиғилишини ким кузатиб туради, ўқ узиш пайти етиб келганлигини ким ҳал этади!

Қор кўчки партиясининг бошлиғи А. Осипов жавоб беради:

— Партиямиз ходимлари зарур ўлчов ишларини бажарадилар. Ҳатарли қор массаси йиғилиши мумкин бўлган жой—маълум кўчки ҳосил бўладиган жойлар картада белгилаб қўйилган. Бу жойлар алоҳида назорат этиб турилади. Янги «Чимён» қор кўчки станциясининг ишга тушиши натижасида тоғдаги қорларни аввалгига нисбатан тафсилий ва самарали кузатиб туриш мумкин бўлиб қолди. Станция биносида мутахассисларнинг илмий иш олиб боришлари ва яшашлари учун ҳамма шароитлар яратилди. Муттасил кузатиб туриш натижасидагина қаердан кўчки кўзғалиш хавфи борлигини вақтида билиш ва тўпчиларга айтиш мумкин бўлади.

Хўш, қор кўчкисига ким ўқ узади!

Гидрометеоролог и к жараёнларга актив таъсир кўрсатиш хизмати составига кирадиган отряднинг командири А. Исмоилов жавоб беради:

— Ўқ узишдан олдин Чимёнда жойлашган милиция ва туризм контрол қутқариш отряднни хабардор қиламиз. Улар ўқ узиладиган районни текшириб чиқиб, одамдан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қиладилар ва шу жойни қуршаб оладилар. ГАИ автомобиль йўлларини тўсиб қўяди. Кишиларнинг хавфсизлиги —энг биринчи ишдир.

Тўпимиз барча хатарли ёнбағирликларга тикка ўқ узса бўладиган жойга ўрнаштирилган. Кўчки ҳосил бўладиган жойларнинг нишони маълум. Узбекистон гидрометеорология хизмати ходимлари тўпни ишлатадилар.

...Артиллерия гидрометеорология хизмати системасида одатдаги техник восита бўлиб қолди. Дўлга қарши курашувчи отрядларнинг ишлари тўғрисида неча марта ёзилди. Улар зенит тўп ўқи ёрдамида Фарғона водийси ва республиканинг бошқа районларидаги юз минглаб гектар дала ва боғларни табиий офатдан ҳимоя қилиб турибдилар. Эндиликда қор кўчкилари ҳам нишонга олинмоқда.

Чимёнга чиқиб, оппоқ қор ва алвонранг ниҳота байроқларини кўрган, тоза ҳаводан нафас олиб, тоғ офтобида тобланган, табиат қучоғида дам олиб, тоғдан чанғида тез учиб тушган кишининг баҳри-дили очилади. Мана шуларнинг ҳаммасини артиллерия ҳимоя этиб, қўриқлаб туради. Масалан, дўлни тўпга тутиш учун сарфланган ҳар бир сўм халқ хўжалигига олти сўмга қадар самара келтиради. Шундай қилиб, тўплар ҳам наф келтирадиган ҳоллар бўлар экан. Бунинг учун улар илм-фаннинг тинчлик тўплари бўлиши керак, албатта.

(ЎзТАГ).

• Билиб қўйган яхши

СУВ ОСТИ ТРАНСПОРТ КЕМАСИ

Денгизларда юк ташиш харажатларини камайтириш, уни обҳаво инжиқликларидан халос этиш мақсади олимлар ва мутахассисларнинг сув ости транспорт кемалари яратиш ғоясига тез-тез қайтишга сабаб бўлянти. Бу кемалар корпусини ниҳоятда сирғалувчан шаклда ясаш билан сувнинг қаршилигини жуда минимум даражагача озайтириш мумкин. Бунинг устига яқинда ўтказилган синовлар кўрсатганидек, ҳатто кемани двигателсиз ҳам ҳаракатлантирувчи қилиш мумкин.

Бундай ғаройиб сув ости кемаси авторлари кемани балиқларга маълум чуқурликда ҳаракатсиз туриш имкониятини берадиган «сузиш пуфакчалари» билан таъминлашни таклиф этдилар.

Кема юкни бортига қабул қилиб сузишга тайёрланганда автоматлар поршенни цилиндрь ичига суради. Бунда «сузиш пуфакчалари»нинг ҳажми кескин тораяди. Натижада кема қанотлари ёрдамида қийшиқ траектория бўйлаб чўка бошлайди. Маълумки, чуқурликда автоматлар цилиндрь ичига тез кенгаядиган кам миқдордаги газни пуркайди. «Сузувчи пуфакчалар» ҳажми кенгайиб кема юзага чиқа бошлайди. Шу цикл яна такрорланади. Кема шундай шўнғиб ва юзага кўтарилиб, белгиланган манзил томон сузиб бораверади.

Шундай кема моделини синаб кўриш муваффақиятли ўтди.

БУ—ҚИЗИҚ

ЭНГ МАШҲУР ИЧИМЛИК

Ер шарининг Европа қисмида энг кўп ичиладиган ичимлик, бу чой экан.

Расмий маълумотларга қараганда, бир европалик одамга, бир йилда, ўрта ҳисобда 200 литр чой 90 литр пиво ва 40 литр вино тўғри келар экан.

ҚИТЪАНИ ЮГУРИБ ЎТГАН ОДАМ

Австралиялик булочка сотувчи Рон Грант деган киши мамлакатни яёв югуриб чиқишга аҳд қилди. У 217 кун ичида Австралия қитъасини югуриб чиқди. У ўз йўлида 14 жуфт оёқ кийимни алмаштиришга мажбур бўлди.

ГУЛНИНГ РЕКОРДИ

Фрэнк Сантини деган ҳаваскор боғбон бир туп хризантема гулидан 688 та очилган гул олишга муваффақ бўлди.

Бир туп кўчатдан шунчалик мўл гул ҳосили олиш бўйича бу кўрсаткич жаҳон рекорди ҳисобланади.

ДЕНГИЗ БАЛИҒИНИНГ СОВҒАСИ

Қувайтлик Носрат Маҳмут Али деган уй бекаси харид қилиб олиб келган бир балиқни тозалаётганда ичидан думалоқ мармар тошга ўхшаган қаттиқ бир нарса чиқиб қолди. Ялтироқ нарса ноёб—йирик жавоҳир экан. Заргарлар бу қимматбаҳо тошни 230 минг доллар баҳолашди.

ЧЕК ЎРНИГА—КАФТ

Япония пойтахти Токиода ғалати банк ишлай бошлади: омонатга пул қўйганлар бу ерда чек дафтарчаси ўрнига... кафтларини кўрсатишади. Банкда ўрнатилган ЭҲМ электрон хотирасида барча мижозлар кафтларининг из бор. Зарур операцияни ўтказишга ижозат олиш учун мижоз қўлини компьютер билан уланган ихчам экранга қўйса бас, саноқли секундлар ичида у мижоз шахсини аниқлаб беради. Компьютер унинг экранга қўйилган кафтини «тан олмаса» дарҳол нур ва товуш сигналлари орқали тревога кўтаради.



Олти Қорлиев номидаги «Туркманфильм» киностудиясида икки серияли «Бахтдан жудо бўлган Фироқий» деб номланган фильм суратга олинмоқда. Шарқнинг буюк шоири ва мутафаккири Махтумқули туғилган кунининг 250 йиллигига бағишланган киноэпопеядаги асосий роллардан бири — шоирнинг отаси ролини Туркманистон ССР халқ артисти Бобо Аннанов ижро этмоқда. Бу унинг кинодаги эллигинчи ролидир.

«Туркманфильм» киностудиясида у дастлаб «Биринчи имтиҳон» фильмида суратга тушган эди. Шундан кейин у Туркманистон, Узбекистон, Тожикистон кинематографчилари томонидан яратилган «Дадил қадам», «Жамолнинг дарахти», «Отин аёл эгарлаганда», «Икки дил достони», «Одамлар орасида ёлғиз» каби фильмларда турли хил характердаги ролларни ижро этди.

Кейинги пайтда Б. Аннанов режиссёр сифатида ҳам ўз кучини синаб кўрмоқда. У таниқли туркман санъат арбоблари ҳақида ҳужжатли фильмлар туркумини яратди.

СУРАТДА: Бобо Аннанов (чапда) ва олим, Махтумқули номидаги тил ва адабиёт институти ходими Абдулғани Аннаберديев Махтумқули ҳақидаги материалларни ўрганмоқдалар.

К. Муродов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

БИЛДИРИШ

Лекторлик маҳорати ва нотиқлик санъати университетининг тингловчилари диққатига!

12 январь соат 17 да В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида «В. И. Ленин — революциянинг оташин жарчиси ва революцион пропаганда донишманди» мавзуида лекция ўқилади. Лектор—«Билим» жамиятининг лектори, профессор Ч. А. Абутолипов.

Иккинчи лекция — «Халқаро аҳвол». Лектор — «Билим» жамиятининг лектори Д. К. Репин.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—11/I да **Парвона.**

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Циркда арча» Катта Янги йил томошалари** (19.30).

кино

11 ЯНВАРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АБДУЛЛА»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18.30, 20.45; телефон 78-47-25), **Санъат саройи** (катта зал, 18.20, 20.30; телефон 44-21-74), **Нукус** (18.30, 21.00; телефон 46-70-69). **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), **Москва** (18.30, 20.30, телефон 33-05-01), **Восток** (18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

«САРИҚ АТИРГУЛ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ТАБИБ»— **Дружба** (17.30, 20.00).

«ЖУНАТИЛМАГАН УЧ МАКТУБ» — **Чайка** (18.30, 21.00; телефон 77-06-20).

«БОЛАКАЙЛАР» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

12 ЯНВАРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АБДУЛЛА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (11, 15, 13.30, 16, 18.30, 20.45, телефон 78-47-25), **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.20, 20.30; телефон 44-21-74), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 46-70-69), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

«САРИҚ АТИРГУЛ» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ТАБИБ» — **Дружба** (12, 14.30, 17.30, 20.00).

«ЖУНАТИЛМАГАН УЧ МАКТУБ» — **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20).

«БОЛАКАЙЛАР» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

11, 12 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар

ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА

ОТАМУРОД БЕКЖОНОВ

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ОЛИМЖОН ОРИФЖОНОВ.

Солистлар: Бахтиёр ТЎЛАГАНОВ, Муножот ИЎЛЧИЕВА, Салоҳиддин ЛУТФУЛЛАЕВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Доно ШОРАҲМЕДОВА, Аҳмаджон ШАРИПОВ, Жамила ИЎЛДОШЕВА, Робия ОЛИМЖОНОВА.

Сатира, юмор ва интермедия ижрочиси — Абдуфаттоҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани Отамурод БЕКЖОНОВ олиб боради.

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари Олмахон ҲАЙИТОВА.

Музика раҳбари — Шавкат МИРЗАЕВ.

УЙ ЖИҲОЗЛАРИ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ТАШИЛАДИ

Балки сиз ажабланган бўлишингиз мумкин? Шундай бўлиши мумкинми? Албатта мумкин! Аҳолига бундай хизмат кўрсатиш усулининг жуда ҳам енгиллигини тасаввур этиб кўринг. Тошкент юк ташиш автомобиль станциясининг ишчилари уй жиҳозларини ўз вақтида уринтирмасдан, ишончли ташиб беришлари юзасидан кафолат бераднлар.

Агар сиз бошқа шаҳарга кўчиб бораётган бўлсангиз автомобиль транспортининг ана шу хизматидан албатта фойдаланинг. Сизнинг жиҳоз ва буюмларингиз мамлакатнинг истаган шаҳарига етказиб берилади.

Юкларни ташиш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат этиш мумкин: Тошкент области, Наримонов шаҳри, Оҳунбобоев кўчаси, 1-уй. Тошкент шаҳарлараро автомобиль транспортида юк ташиш станцияси (106, 121, 133-автобусларнинг «9-автобаза» бекати — Чирчиқ дарёси кўпригидан ўтгандан кейин).

Маълумот олиш учун телефонлар: 90-34-89, 90-28-81, 90-34-95.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ МИНИСТРЛИГИ «УЗМЕЖАВТОДОРТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАРЛАРАРО АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЮК ТАШИШ СТАНЦИЯСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

Чилонзор районидаги саноат корхоналарига

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

токарлар, йўнувчилар, фрезерчилар, қирқувчилар, штамповкаччилар, пайвандловчилар, электрпайвандловчилар, силлиқловчилар, пластмассани прессловчилар, силлиқловчилар, сантехниклар; газ пайвандловчилар, электр-пайвандловчилар, чарҳчилар, такелажчилар, электромонтажчилар, электромонтёрлар, бўёқчилар, инженерлар.

Иш юзасидан маълумотлар ва йўлланмалар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4 уй, 3-подъезд, 5-хона аҳолини ишга жойлаштириш бюросининг район пунктлари.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги РЕСПУБЛИКА СТЕНОГРАФИЯ ВА МАШИНКАДА ЁЗУВ КУРСЛАРИ кундузги ва кечки бўлимга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курслар ўзбек ва рус тилларида замонавий иш юритувчилик асосларини эгаллаган секретарь-стенографисткалар ва машинистка-ларни тайёрлайди.

Ўқувчилар курсларга бир йилда 2 марта қабул қилинадилар:

июль—августда, машғулотлар 1 сентябрда бошланади;

декабрь—январда, машғулотлар 1 февралда бошланади.

Маълумотлар олиш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат этилсин: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй (Бешёғоч, Комсомол кўли ёнида).

Ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача. Телефон 44-30-61.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

2-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИ ИИҒУВЧИ-СЛЕСАРЬ, УЧИШ АППАРАТЛАРИНИНГ РАДИО ВА МАХСУС УСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА МОНТАЖЧИСИ, ПРОГРАММА БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН СИСТЕМАЛИ СТАНОКЛАРНИ СОЗЛОВЧИ, ПРОГРАММА БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАРНИНГ ОПЕРАТОРИ, ТОКАРЬ, ФРЕЗЕРЧИ, МЕХАНИКА-ИИҒУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, САНОАТ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15—25 ЕШЛИ ИИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар учун ўқиш муддати — 3 йил. Улар ўқишни битириб, эгаллаган касби билан бирга тўлиқ ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом оладилар. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар шу соҳа бўйича олий ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинадилар.

Билим юртига ўрта маълумот билан кирганлар учун ўқиш муддати — 6 ой

3 йил ўқийдиган ўқувчилар бепул овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўрта маълумотли ўқувчиларга ҳар ойда 64 сўм 70 тийиндан стипендия тўланади.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 33 процентини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртида спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлайди.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР ЎЗ ИХТИСОСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ИШЛАЙДИЛАР.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 286 формадаги медицина справкаси, тураг жойидан справка, 3х4 см ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ҳарбий билет) **шахсан кўрсатилади.**

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ) **СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Мурожаат учун адрес: 700128, Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, Авиация проезди, 10-уй (10, 23, 27-трамвайлар, 48, 97, 144-автобуслар, 1, 4, 10-троллейбусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси» бекати). Телефон 41-89-01.

ТВ

11 ЯНВАРЬ ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 «Расмларда қуёш акси бор».
18.30 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Қисқа программа. Венгриядан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Филиппок». Мультфильм.
19.40 «Инсон ва қонун».
20.20 «Навқирон Россия». Тўққиз серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 8-серия.
21.30 «Время».
22.05 Концерт.
22.55 «Москва бўйлаб саёҳат». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
23.15 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Қишлоқ янгиликлари».
19.50 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Сизранъ», «Қоратов: йигирманчи баҳор».
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сизни оперетта таклиф этади».
21.30 «Время».
22.05 «Ортимизда Москва». Бадиий фильм.
23.30 Москва шаҳар бадиий коллективларининг концерти.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

9.00 Кўрсатувлар программаси.
9.05 Янгиликлар.
9.15 «Бизнинг уй». Мультфильм.
18.20 «Республика энергетиклари билан учрашув» (такрорий).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Экранда — детектив». Кинокўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Опера театри солистлари...» Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар А. Бозоров ва Т. Ҳусанов.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чимён чанғисида». Тоғчанғи спорти бўйича СССР Кубоги якунларига доир.
22.20 «Телевидение экранида биринчи марта». «Кузда қайтамиз». Бадиий фильм (субтитр билан).
23.45 «Вугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Самарқанд сайқалига мафтунмиз». 3-кўрсатув (такрорий).
19.40 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
20.00 Янгиликлар.
20.20 Ўқитувчи экрани. Мактаб ва мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида рус тилини ўргатиш (рус.).
20.50 Эстетика асослари. Санъат турлари. Меъморчилик.
21.30 МТ II.

12 ЯНВАРЬ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время».
9.40 «Асли болаликдан». А. С. Макаренко.
10.25 Халқаро конкурс лауреати М. Данилов чалади (балалайка).
10.55 «Навқирон Россия». Тўққиз серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.
12.05 «Хотирамиз посбонлари». Ҳужжатли фильм.
12.25 «30—40-йиллар қўшиқлари».
12.55 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Ҳужжатли фильмлар.
16.00 Минск камер оркестри чалади.
16.30 СССРнинг монументал санъати.
17.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.45 Халқаро конкурс лауреати Л. Курдюмова куйлайди.
18.10 «Шахмат мактаби».
18.40 «Ҳозирги замон ва ишчилар ҳаракати». Чет эл мамлакатларининг сиёсий арбоблари сўзлайдилар.
19.00 «Қувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнат самарадорлигини ошириш резервлари».
20.10 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Эркин программа. Венгриядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Ёзувчи ва замон». Г. Семёнов.
23.05 «Яшлик» ўйғур ёшлар ансамблининг концерти.
23.35 «Дунё воқеалари».

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.15 Кўрсатувлар программаси.
11.20 Янгиликлар.
11.30 Ўзбекистон ССР тарихи. 1905—1907 йиллардаги революция даврида Ўзбекистон (рус.).
12.00 «Халқ депутати». Телефильм.
12.30 Ўзбекистон ССР тарихи. 1905—1907 йиллардаги революция даврида Ўзбекистон.
13.00 «Кўзда қайтамиз». Бадиий фильм (субтитр билан).
14.25 Янгиликлар.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Янгиликлар.
18.15 «СССР — ГДР: бирлигимиз мустаҳкамланаверсин». Ҳужжатли фильм.
18.35 «Қувонч». Болалар учун фильм-концерт.
19.00 КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 й.) Пленуми қарорлари ҳаётга! «Тошкент тўқимачилик комбинати. Реконструкция муаммолари».
19.30 «Ахборот». (рус.).
19.45 «Учинчи қўнғироқдан сўнг...» Театр шарҳи.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ёшлар куйлаганда...» Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Сара уруғ — ҳосил бўлик».
22.30 «Ҳайрли таваккал» Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

II

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Болалар учун. «Арча қўшиғи» (такрорий).
18.40 Реклама.
18.50 «Мен ишчи бўламан». Ҳунар-техника билим юрти Тошкентдаги «Малика» трикотаж бирлашмасига (рус.).
19.20 «Классик куй саҳифалари».
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Сайловдан сайловгача». «Социалистик демократиянинг тантанаси».
20.50 «Ўзбой бўйлаб саёҳат». «Биз денгиз ёқасида яшаймиз». Телефильмлар.
21.30 МТ II.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район 24-мактаб педагогика коллективи рус тили ва адабиёти ўқитувчиси **Капитолина Ивановна НОССнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

11 ЯНВАРЬ, 1984 й. Р—11016. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12